



## ЙЎЛ БЕЛГИЛАРИ ВА ЧИЗИҚЛАРИ ТАХЛИЛИ.

*ИИБ Малака ошириш институти ўқитувчиси подполковник*

**Турғунбаев Баҳромжон Бахтиёрович**

**Аннотация:** Ушбу мақола Янги тахрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”ни олий таълим ва автомактабларнинг педагогик ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, муҳокамалардан ўтказилиб, уларнинг фикр мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, “Йўл ҳаракати қоидалари”га тузатиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кераклигидан иборатдир.

**Калит сўзлар:** йўл ҳаракати, пиёдалар, белгилар, чорраҳа, чизиклар, кесимиш, йўл белгилари.

**Аннотация:** В данной статье указано, что «Правила дорожного движения» в новой редакции должны быть рассмотрены и обсуждены педагогическими работниками высших учебных заведений и автошкол, а в «Правила дорожного движения» должны быть внесены исправления, изменения и дополнения с учетом их мнения.

**Ключевые слова:** движение, пешеходы, знаки, перекрёсток, линии, перекрёсток, дорожные знаки.

**Annotasia:** This article states that the "Traffic Rules" in the new version should be reviewed and discussed by the pedagogical staff of higher education and driving schools, and taking into account their opinions, corrections, changes and additions should be made to the "Traffic Rules".

**Keywords:** traffic, pedestrians, signs, intersection, lines, intersection, traffic signs.

Йўл ҳаракати қоидалари /1/ , 1- ИЛОВАсида (74-бет) оғохлантирувчи белги 1.3. “Диққат бошқариладиган тўсиқ” белгиси туширилиб қолдирилиб 1.3.1. “Шлагбаумли темир йўл кесимишаси”... белгилари




келтирилмоқда ва йўл белгиларида 1.34. тартиб рақами билан келтирилмоқда(115 бет), бу ўз навбатида тушунмовчиликга сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб 1.34 белгини 1.3.га алмаштиришни талаб этмоқда.

1.20. “Пиёдалар ўтиш жойи”. 5.16.1, 5.16.2 белгилари ва (ёки) 1.14.1 – 1.14.3 чизиқлари билан белгиланган пиёдалар ўтиш жойини билдиради (75-бет) дейилган. 1.14.1 ва 1.14.2 ётиқ чизиқлар тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойини белгиласа, 1.14.3 ётиқ чизиғи тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойини белгилашда қўлланилади, 1-расм.




**1.14.1 Йўл белги чизиғи** чорраҳада пиёдалар ўтиш жойини белгилайди. Уларнинг эни пиёдаларнинг 1 соатда ўтишига боғлиқ бўлиб, агарда 1 соатда 500 пиёда ўтса, унда пиёдалар йўлагининг эни 1 м олиниши керак, лекин йўлакнинг эни 4 м дан кам бўлмаслиги лозим.

1.14.1 ва 1.14.2 йўл белги чизиқлари тартибга солинмаган пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди. Агарда пиёдалар йўлагининг эни 6 м дан кам бўлса, 1.14.1, 6 м ва ундан кўп бўлса 1.14.2 белги чизиғи ишлатилиши тавсия этилади. Белги чизиқларини йўл ўқиға параллел чизиш керак. 1-расм.





0,52  
м




0,2

1-расм. Тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойини белгиловчи ётиқ чизиқлар.

### 1.14.3. Йўл белги чизиғи пиёдаларнинг ҳаракати светофор

Бундан тартибга солинган ҳаракатларга белгиловчи 2



2-расм. Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойини белгиловчи ётиқ чизиқ.

Йўл ҳаракати қоидаларига 2- ИЛОВА. 1.Ётиқ чизиқларда: “1.14.1 – (оқ рангли “зебра”) – пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди: 1.14.2 – (оқ-сарик рангли “зебра”) - пиёдаларнинг ўтиш жойини белгилайди. 1.14.3 – ётиқ чизиқнинг йўналтиргичлари пиёдаларнинг ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади. 1.14.4 – оқ-қизил рангли йўл чизиғи мактаб ва мактабгача таълим



муассасалари олдида пиёдаларниг ўтиш жойини белгилайди” (99-бет)- деб ёзилган.

Биринчидан 1ва 2-расмларда келтириган кетма-кетлик тартиби бузилган, яъни 1.14.2 ётиқ чизиқ билан 1.14.3 ётиқ чизигини ўрни алмашиб қолган, иккинчидан “Тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойини белгиловчи ётиқ чизиқ” кўрсатилмаган. Шундан келиб чиқиб, қуйидагича ўзгартириш киритиш: “1.14.1 – (оқ-қора рангли “зебра”) тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойини белгилайди. 1.14.2 – (оқ-қора рангли, йўналтиргичли) тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойини белгилайди. 1.14.3 – пиёдаларнинг ҳаракати светофор билан (2-расм) ёки оқ-сарик рангли “зебра” ётиқ чизиги билан тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойини белгилайди. 1.14.4 – оқ-қизил рангли йўл чизиги мактаб ва мактабгача таълим муассасалари олдида пиёдаларниг ўтиш жойини белгилайди” - деб ўзгартириш киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Йўл ҳаракати қоидаларига 2-ИЛОВАнинг 1.32да (101-бет) қатнов қисми кесишмаси худудига яқинлашаётганлигини аңглатиши айтилган. 1.33 “Қатнов қисми кесишмаси худуди” огохлантирувчи йўл белгиси, транспорт воситаси(лари)ни ) ҳайдовчисига қатнов қисми кесишмаси худудига (чорраха худудига) яқинлашаётганлиги ҳақида огохлантиради. Чорраха худуди эса 1.32. Чорраха худуди (сарик рангдаги “вафлисмон” кўринишдаги)ётиқ чизиги билан белгиланади. Булар ҳақида умуман маълумотлар келтиримасдан, худудда нима қилинмаслик ҳақида гап кетяпти. Шундан келиб чиқиб 2-ИЛОВАнинг 1.32 га ҳам қўшимчалар киритишни талаб этмоқда.

Йўл ҳаракати қоидаларига 2 – ИЛОВА, 2. Тик чизиқлар (102-бет), 2.1 – ҳаракатланаётган транспорт воситаларига хавф туғдирадиган йўл иншоотларининг тик элементлари (кўприклар, йўл ўтказгич ва эстакадалар, устунлар ва бошқалар)ни белгилайди дейилган. Тик чизиқларда (125-бет) эса яна қўшимча 2.1.1...2.1.3 тик чизиқларга бўлиниб



ташланяпти. Агарда бундай қилинса уларнинг ҳар бирига таърифлар беришни талаб этади, афсуски бундай қилинмаган.

Йўл ҳаракати қоидаларига 1- ИЛОВА. Йўл белгилари. Тақиқловчи белгилар (81-бет). 3.1-3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27 белгиларига амал қилиш йўналишли транспорт воситаларига, 3.2-3.8 белгилари таъсир оралиғида жойлашган корхоналарга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига, шунингдек, ушбу **белгилар таъсир оралиғида яшовчи ёки ишловчи фуқароларга хизмат қилувчи ёки уларга тегишли бўлган транспорт воситаларига таъсир қилмайди.** Яъни, бунга асосан, шу белгилар таъсир оралиғида ишловчиларнинг транспорт воситаларига таъсир этмас экан. Унда, бу белгиларни ўрнатишдан мақсад нима? - деган савол пайдо бўлади.

Йўл ҳаракати қоидаларига 1- ИЛОВА. Йўл белгилари, Огоҳлантирувчи белгилар (76-бет), 1.31.1, 1.31.2. “Бурилишнинг йўналиши”. Кичик радиусли, кўриниши чекланган йўлда ҳаракатланиш йўналишини ва йўлнинг таъмирланаётган қисмини айланиб ўтиш йўналишини билдиради. 1.31.3 “Бурилишнинг йўналиши” Т-симон чоррахада ёки йўл айрилишларида ҳаракатланиш йўналишини (**бўлиши керак - йўналишларини**) , таъмирланаётган йўл қисмини айланиб ўтиш йўналишини (**бўлиши керак - йўналишларини**) билдиради дейилган. Бу ерда ҳам 1.31.1 белгисидан бошланса, 1.31 белгиси қани деган савол пайдо бўлмоқда. 1.31 белги эса, “Сунъий йўл нотекислиги” деб номланган. Йўл белгилари. Огоҳлантирувчи белгилар (114-бет)да 1.31.1- бурилиш йўналиши ўнгга, 1.31.2-бурилиш йўналишлари чапга ва ўнгга, 1.31.3-бурилиш йўналиши чапга кўрсатилиб, 1.31.3 ўрнига 1.31.2 (1.31.2 ўрнига 1.33.3) кўрсатилган. Бу жойда ҳам тартиб рақамлари нотўғри қўйилган.

**ЙХҚ 3-илова. 103-бет. 1.Тормоз тизимлари.**

1.6. Тўхтаб туриш тормоз тизими транспорт воситаларини қуйидаги жойларда ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб тура олмаса:



тўлиқ жихозланган ҳолатдаги транспорт воситаларини – 16 % дан кам бўлмаган қияликда; тўлиқ жихозланган ҳолатдаги енгил автомобилларни ва автобусларни – 25% дан кам бўлмаган қияликда; тўлиқ жихозланган ҳолатдаги юк автомобилларини ва автопоездларни – 31% дан кам бўлмаган қияликда;

1.7. ЙХҚларида (мавжуд эмас) тушириб қолдирилган.

1.7.Изоҳ: Тўхтаб туриш тормоз тизими соновдан ўтказилаётганда двигатель трансмиссиядан ажратилган бўлиши керак.

#### **Тавсия:**

**ЙХҚ 3-илова. 103-бет. 1.Тормоз тизимлари.**

Шуни таъкидлаб ўтиш лозим: Йўл ҳаракати қоидаларида тўлиқ жихозланган атамаси ва унга берилган тушунча мавжуд эмас. Аслида тўлиқ жихозланган ўрнига аслаҳаланган атамасини ишлатилиб, унга тушунча берилиши керак.

1.6. Тўхтатиб туриш тормоз тизими транспорт воситаларини қуйидаги жойларда ҳаракатсиз ҳолатда ушлаб тура олмаса:

тўла вазндаги транспорт воситаларини – 16 фоиздан кам бўлмаган қияликда; аслаҳаланган ҳолатдаги енгил автомобиллар ва уларни юк ташишга мослаштирилган турлари ҳамда автобусларни - 25% дан кам бўлмаган қияликда; аслаҳаланган ҳолатдаги юк автомобиллари ва автопоездларни - 31% дан кам бўлмаган қияликда.

1.7. Тўхтатиб туриш тормоз тизимининг дастагини қулфловчи мосламаси, дастакни қулфланган ҳолатда (дастак тортиб қўйилганда) ушлаб тура олмаса.

Изоҳ: Тўхтатиб туриш тормоз тизимини соновдан ўтказишда двигатель трансмиссиядан ажратилган бўлиши керак.



## **2. Бошқарув қурилмаси. 104-бет.**

2.1. Бошқарув қурилмасининг люфт йиғиндиси регламент (катъий белгиланган) шароитлардаги синовларда қуйидаги кўрсаткичдан катта бўлмаслиги керак:

Тавсия:

## **2. Рул бошқармаси.**

2.1. Рул бошқармасидаги люфт йиғиндиси (рул механизми ва юритмасидаги люфтлар йиғиндиси) қуйида келтирилган чегаравий кийматлардан катта бўлмаслиги керак:

1. Енгил автомобиллар ва уларни юк ташишга мослаштирилган турлари ҳамда микроавтобуслар – 10 градусдан ортиқ бўлмаган.

2. Автобуслар - 20 градусдан ортиқ бўлмаган.

3. Юк автомобиллари - 25 градусдан ортиқ бўлмаган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш лозим. Янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”ни олий таълим ва автомактабларнинг педагогик ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, муҳокамалардан ўтказилиб, уларнинг фикр мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, “Йўл ҳаракати қоидалари”га тузатиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак. Йўл ҳаракати қоидалари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонларга тушунарли бўлиши керак.

## **АДАБИЁТ**

1. Йўл ҳаракати қоидалари (янги таҳрирда). ЎзР ВМ 2022йил 12 апрелдаги 172-қарори билан тасдиқланган. Расмий нашр. ЎзР Адлия вазирлиги, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, - Т.: 2022 йил. – 132 бет.